УСТРУШОНА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА МИНТАҚАВИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ЎРНИ

Е.Асатуллаев
ГулДУ магистранти

Буюк Ипак йўли мил.авв II-асрдан то милодий XVI-асргача, Шарқ ва Ғарб давлатларини карвон йўллар билан боғлаган. Ушбу савдо йўлини асос солиниши Хитойнинг Хан сулоласидан бўлган ҳукмдор У-Ди (мил.авв 140-87) билан боғлиқ. У мил.авв 139-йилда элчи Чжан Сянни, сюнну ёки хунну қабиласига қарши иттифоқчи ва улардан енгилган массагетларни топиш учун ғарбга юборган бўлиб, элчи ўн уч йил ўтиб, қайтиб келган. Натижада хитойликлар ўзлари учун Фарғона, Парфия, Бақтрия ва бошқа Ўрта Осиё ўлка ва халқларини кашф этдилар[1]. Мил.авв 121-йилда ипак ва бронза ойналар ортилган карвон Тяншан тоғини ошиб, Фарғона водийсига кириб борган. Шу тариқа ғарбий ўлкалар билан савдо-сотиқ йўлга қўйилади. Минг йиллар давомида фаолият олиб борган савдо йўлининг асосий маҳсулоти ипак бўлиб, карвонлар қатнови орқали кўплаб халқлар маданияти, тарихи, маънавиятига катта таъсир ўтказди. Ушбу савдо йўли чорраҳасида жойлашган Уструшонанинг, унда ўрни ва аҳамияти қандай бўлган эди?

Уструшона давлати табиий-географик ҳамда иқтисодий жиҳатдан жойлашуви, унинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган. Араб географлари ва Хитой тарихчиларининг Уструшона ва унинг чегарасига доир маълумотлари асосан IX-X асрларга оид бўлсада, давлатнинг VII-VIII асрлардаги чегарасидан деярли фарқ қилмайди. Агар бугунги кун сиёсий харитасига нисбатан олинса, унда Уструшона таркибига Тожикистон Республикаси Суғд вилоятининг Шаҳристон, Ўратепа, Нов туманлари, Ўзбекистон Республикасининг Жиззах, Ховос, Ғаллаорол, Зомин, Қирғизистон Республикасининг Лайлак туманлари ва жанубдан Туркистон тоғ тизмалари билан чегараланган ҳудудларни ўз ичига олган[2]. Хитой йилномаларидан бири „Таншу”да уни „Судушина”, „Суйдушана”, Тан императорлари саройида „Лайвий”, „Сюандзан” манбасида „Сутелисен” деб номланган[3]. В.В.Бартолднинг фикрича, Уструшонанинг энг қадимги номи Осрушона шаклида бўлган. Илк ўрта асрларда уни афшинлар бошқариб, мустақил ҳокимлик эди. Араблар босқини даврида ҳудуд ўз мустақиллигини сақлаб қолган, фақатгина 822-йилда халифаликка бўйсундирилган. Сўнгги афшин сифатида манбаларда ал-Афшин ёки Ҳайдар ибн Ковус аталиб, у халифа Мутасим (833-842)нинг лашкарбошчиси сифатида, Бобак қўзғолонини бостириб, 841-йилда даҳрийликда айбланган ва қатл этилган[4]. Аммо афшинлар ҳокимияти Уструшонада 893-йилгача, яъни Сомонийлар томонидан тўла бўйсундирилганича, давом этган[5].

Ҳудудни иқтисодий ҳолатини араб географи Истахрий „Масолик ал-Молик” асарида Суғд, Фарғона, Шош қаторида Уструшонада мевалар кўп ҳосил бериб, жониворлар мева билан боқилишини айтади. Бу қишлоқ хўжалик неъматлари албатта чет ўлкаларга, қўшни шаҳарларга, кўпроқ Хўжандга олиб бориб сотилган. Уструшона шаҳарларининг кўпчилигида бозорлар ва ҳар доим фаолиятда бўлган савдо ярмаркалар ташкил қилиниб, уларда узоқ юртлардан кўплаб сотувчи ва ҳаридорлар қатнашган. Шунингдек, „Ҳудуд ул-олам” асарида Уструшона ёки Сурушана „катта ва обод вилоят, ноз-неъмати, шаҳар ва рустаклари кўп, у ерда шароб кўплаб тайёрланади ва тоғларидан темир қазиб олинади” дейилган. Археолог олим А.А.Грицинани ёзишича ўлкада 18 та туман бўлган, булар: Куркет, Газак, Багкет, Совот, Зомин, Дизак, Бунжикат, Харакана, Фекнан, Фағкат, Минк, Асбаникат, Бискар, Вакр, Шагар, Бургар, Буттамлар. Сомонийлар даврида Уструшона тоғларидан темир, олтин, мис,

[1] В.И.Кузищина.История древнего Востока.-Р:Высшая школа,2003.с-395
[2] Н.Н.Негматов.Уструшана в древности и раннем среднековя.-Р:Сталинабад,1957.-С.15.
[3] Абдуғани Илашев.Давр нафаси.-Т:Мухаррир,2013. –Б. 21.
[4] Ўша манба, -Б. 23.
[5] Фарҳод Султонов, Фаррух Бозорбойев.Ўрта асрлар тарихи (Ўзбекистон тарихи).Т:Алишер Навойи номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. –Б. 38.

кумуш, новшадил, купорос, ақиқни йўл-йўл тури ва туз қазиб олинган[1]. Бу билан эса ўша даврлардаёқ Уструшона табиий бойликларга анчагина бой бўлганини билиб оламиз.

Буюк ипак йўлини жанубий йўналиши қадимдан Зомин ва Ховосдан ўтиб, карвонлар Чочга, ундан Ўтрор ва Ёркентга йўл олишган. Ёзма манбаларда ,,Банокат йўли" деб номланувчи савдо йўли Суғддан Уструшона орқали Жиззах-Зомин-Ховос йўналиши бўйича кетиб, Ховосда жанубга бурилиб, Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қуйилиш жойидан кечувга чиққан. Бу ердан Чирчиқ водийси, эски Тошкент орқали Чиничкат-Бинкат йўлига қўшилган. Савдо йўллари устида карвонсаройлар бўлиб, улардан бирини Истахрийни ёзишича афшин Ҳайдар ибн Ковус IX-асрда Зомин йўлида Худойсар карвонсаройини қурдирган[2]. Ибн Хавкалнинг маълумотига кўра, бутун Мовароуннаҳрда ўн мингдан ортиқ сарой ва работлар бўлган. Улар қалъа, сарой, молхона ва маҳсулот омборхоналари вазифасини бажариб, зарурат юзасидан, овқат, кўрпа-тўшак, ҳайвонларга ем-хашак ва сувга эга бўлган.

Сомонийлар давридаги маҳаллий ва халқаро савдо ривожи Уструшонада шаҳарсозликни ривожига ҳам туртки бўлди. Айнан Нурота шаҳри IX-аср охирида Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги Банокентга борувчи карвонларга қўналға сифатида қурилган. Мазкур шаҳар Уструшонадаги сомонийларнинг Култепаси билан узвий алоқаларини топилмалар кўрсатади[3]. Шаҳар ҳаробасини ташқи кўринишидан, марказий минора бўлганлиги билинади. 1987-89-йиллардаги археологик қазишмаларда бу ерда ҳаёт IX-XI асрлар оралиғида бўлгани исботланди. Қорахонийлар даврига тегишли ,,ал-хон ал Одил номидан 1003-1004-йилда Шошда зарб этилган" деган ёзувли фалс тангани топилиши, Шош (Тошкент) билан савдо алоқалари қизғин бўлганини билдиради[4]. Култепадан ҳам бир неча Қорахонийлар тангаси ва бошқа ҳудудларга тарқалган қизил сопол буюмлар топилган. Тахминларга кўра, ҳудуддаги карвонсаройлар мўғуллар истилосигача ўз фаолиятини тўхтатган. Бунга XIII асрнинг бошларида Хоразмшоҳ Муҳаммадни қорахитойларга қарши кураш олиб борганида Шош, Фарғона ва Уструшонадаги қалъалар ва карвонсаройлар бўш қолдириб кетиш ҳақида буйруқ берган деган, исботланмаган фаразлар жавоб бўлиши мумкин.

Археолог олим А.А.Грицина Тўрткўлтепа карвонсаройини 1994-йилги қазишма чоғида аниқлади. Тўрткўлтепа Ўрта Осиёдаги йирик карвонсаройлардан бири бўлган. Шунингдек тез-тез бўлиб турадиган, кўчманчилар ҳужумидан сақланишга ёрдам берган[5]. Шуни айтиш жоизки, ҳозирги Жиззах ва Ховос даштларида, сўнгги Сомонийлар ҳукмдори Мунтасир, яъни Абу Иброҳим Исмоил ибн Нуҳ Қорахонийларга қарши жанг олиб борган эди. Археологлар қазишмалар натижасида карвонсарой ҳовлисига олиб борадиган узунлиги 14 метр келадиган кириш йўлагининг бир қисмини очишган. Унинг деворлари хом ғишт ва катта пахсадан терилган бўлиб, поллари юзасига ялпоқ тош ва йирик шағаллар тўшалган. Топилган кўплаб сопол идишлар, тангалар, хом ва пишиқ ғиштлар карвонсаройни X аср, балки ундан ҳам олдин қурилганлигидан далолат беради. Кириш айвонини деворларига бир неча қатлам сувоқ сурилиб, унинг қалинлиги 10 см.га етади[6]. Қўшни ҳудудлар билан алоқаларни, Қалайи Қаҳ-қаҳадан топилган афшинлар тангаларидан ҳам билса бўлади. Унда Чирдмиш ва бошқа афшинлар қанотли тож билан таъсвирланган бўлиб, бу эса Сосонийларнинг тангаларига ўхшашдир. Сатачарининг тангасида фил, дурлар ва сирғалар таъсвири, ҳиндлар билан савдо муносабатлари бўлганини англатади[7].

---

[1] Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.Т:,,Шарқ" нашриёт-матбаа консерни бош тахририяти,2000. –Б. 98.
[2] Абдуғани Илашев. Давр нафаси.Т:Муҳаррир,2013. –Б. 31.
[3] Ў. Эрбўтаева,И.Баратов,У.Алибеков, Ш.Бектурдиев.Сирдарё вилояти тарихи.Т:Гулистон,2011.–Б. 7.
[4] А.А.Грицина.Археологические памятники Сырдарынской области. Р: Фан, 1992. с 45
[5] Абдуғани Илашев, Давр нафаси.Т: Муҳаррир, 2013. –В. 32.
[6] А.А. Грицина, М.Содиқов. Эски Ховос ва унга қўшни худудлар қадим ва ўрта асрларда.Т: Самарқанд,2010. –Б. 97.
[7] А.А.Грицина, С.Д.Мамаджанова, Р.С.Мукимов. Археология, История и Архитетура средневековой Уструшаны (IV -начало XIII в).-Р:Самарканд, 2013. –С. 25.

Олимлар ўрта асрларда Зомин бўйлаб ўтган савдо йўллари ҳамда уларнинг тармоқларини ёзма манбалар, моддий ва маданий ёдгорликлар асосида ўрганиб чиққанлар. Хусусан, А.А.Грицина раҳбарлик қилган илмий археологик гуруҳ Зоминда Азлартепа, Қўштепа, Оқтепа, Қўрғонтепа, Хитойтепа ва Жартепада жиддий археологик изланишлар олиб борди. 1995-йилгача улар томонидан Пишағорсой ҳавзасида ўрта асрларга оид 31 та зич жойлашган ёдгорликлар аниқланди. Уструшонанинг пойтахти Бунжикат ва йирик қалъа Зоминда турли даврларда пул зарб қилинганлиги ва махсус қурилган зарбхоналар бўлиши ҳудуднинг сиёсий-иқтисодий салоҳиятини кўрсатади. Илмий ва моддий далилларга таяниб, Бунжикат зарбхоналарида IX аср, X асрнинг охири ва XI асрнинг биринчи ярмида танга зарб этилгани, Зоминда бу ишлар, VI асрда, IX асрнинг ва XIV асрнинг бошларида амалга оширилганини ёзилади[1]. Бунжикатдаги ҳукмдор саройидаги кўплаб ҳайкал ва рангли таъсвирлар, шунингдек олти метрли „она бўри", яъни Рим шаҳрининг рамзий таъсвири топилган бўлиб, бу эса карвон йўллари фақатгина савдо-сотиқ учун эмас, балки маъданий алоқалар учун ҳам хизмат қилганини билиб оламиз[2].

Хулоса қилиб айтганда, Уструшонанинг қулай иқлим ва шароитларга бой худудлиги хамда сув хавзаларига яқин жойда жойлашганлиги, унинг бой ўлка бўлганлигини кўрсатса, ипак йўли чоррахасида жойлашганлиги қадимги ва ўрта аср давлатлари орасида ўзига хос ўрни бўлганлигини кўрамиз. Уструшонанинг қўшни давлатлар билан олиб борган ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқалари унинг ўрта асрларда янада юксалиши учун замин яратди.